

“KAFIL-SUG‘URTA”
акциядорлик жамияти
Ижроия органи тўғрисидаги

НИЗОМИ

Тошкент – 2022 йил

МУНДАРИЖА

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР	3
2. ЖАМИЯТ ИЖРОИЯ ОРГАНИНИ ТУЗИШ ТАРТИБИ	4
3. ЖАМИЯТ ИЖРОИЯ ОРГАНИНИНГ ТАРКИБИ, ВАКОЛАТЛАРИ ҲАМДА ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.....	5
4. ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИ РАИСИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ, ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ	7
5. ЖАМИЯТ ИЖРОИЯ ОРГАНИНИНГ ИШ ТАРТИБИ	8
6. ЖАМИЯТ ИЖРОИЯ ОРГАНИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ	10

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Мазкур Низом “KAFIL-SUG‘URTA” акциядорлик жамияти (матн давомида – Жамият деб номланади) ижроия органининг мақомини белгилайди ва унинг фаолияти, унинг тузиш ва аъзоларни сайлаш тартибини, шунингдек ҳар бир аъзонинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди. Жамият ижроия органи коллегиал ижроия органи - Жамият Бошқаруви ҳисобланади. Жамият Бошқарув аъзолари билан тузиладиган шартноманинг шартлари жамият Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади.

1.2. Мазкур Низом “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги” Қонун, жамият устави ва бошқа меъёрий конунчиликларга мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. ЖАМИЯТ ИЖРОИЯ ОРГАНИНИ ТУЗИШ ТАРТИБИ

2.1. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш ваколати коллегиял ижроия органи – Жамият Бошқаруви томонидан амалга оширилади. Бошқарув фаолиятига Жамият Бошқарув раиси раҳбарлик қилади.

2.2. Жамият ижроия органининг раҳбари (Бошқарув раиси) акциядорлар умумий йиғилиши қарори билан сайланади (тайинланади).

2.3. Жамият Бошқарув аъзолари Кузатув кенгаши қарори билан уч йиллик муддатга сайланади (тайинланади).

2.4. Жамият Бошқарув аъзолари номзодларини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш бўйича қарор Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

2.5. Жамият Бошқарув аъзолари номзодларини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш шахсий таркибда кўриб чиқилади. Бошқарув аъзоси номзоди Жамиятга уни жинойий жавобгарликка жалб этилганлиги тўғрисидаги фактлар ҳақида хабар бериши мажбур.

2.6. Жамият ижро органининг раҳбарини тайинлаш тўғрисидаги қарор, одатда, янгича фикрлайдиган, замонавий талабларга жавоб берадиган юқори малакали раҳбарлар, шунингдек, хорижий менежерлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида қабул қилинади.

2.7. Жамиятнинг Бошқаруви аъзолари ўз номзодларини кўриб чиқиладиган акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки Кузатув кенгаши мажлисларида иштирок этишлари мумкин.

2.8. Акциядорлар вакили сифатида иштирок этувчи ижроия органи вакилларининг ижроия органига аъзолар сайлаш масаласида овоз бериш тақиқланади.

2.9. Кузатув кенгаши томонидан Бошқарув (Бошқарув раисидан ташқари) таркибига номзодлар сайлангач, Бошқарувнинг ҳар бир аъзоси билан Бошқарув аъзоси мажбуриятларини бажариш бўйича шартнома тузилади. Бошқарувнинг ҳар бир аъзоси билан шартнома уч йил муддатга тузилади, ҳамда уларнинг ҳар бири Жамият билан уч йил муддатга тузадиган шартномада белгиланиб, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили Кузатув кенгаши томонидан қарор қабул қилинади.

2.10. Бошқарув раиси билан шартнома уч йил муддатга тузилади ва шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қарор қабул қилинади. Шартнома Жамият номидан жамият Кузатув кенгашининг раиси ёки Кузатув кенгаши ваколат берган шахс томонидан имзоланади.

2.11. Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан сайланган (тайинланган) Жамият Бошқарув раисининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, Жамият Кузатув кенгашининг қарори билан белгиланган шахс унинг вазифаларини акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилишигача бўлган даврда вақтинча бажариб туришига йўл қўйилади.

2.12. Жамият устави, шунингдек бошқарув аъзолиги шартномаси шартларининг бузилганлиги учун Бошқарув аъзоси эгаллаб турган мансабдан бошқарув аъзолик шартномасининг бекор қилиниши билан овоз этилиши мумкин. Жамият Бошқаруви аъзоси билан шартноманинг бекор қилиниши ҳақидаги қарор Кузатув кенгаши томонидан кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Жамият Кузатув кенгаши Жамият Бошқарув аъзолари билан тузилган шартномани, агар улар Жамият уставини қўпол тарзда бузса ёки уларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли Жамиятга зарар етказилган бўлса, муддатидан илгари тугатиш (бекор қилиш) ҳуқуқига эга.

3. ЖАМИЯТ ИЖРОИЯ ОРГАНИНИНГ ТАРКИБИ, ВАКОЛАТЛАРИ ҲАМДА ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Жамият Бошқаруви унинг кундалик фаолиятини бошқаради ва оператив раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Жамият устави, акциядорлар умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув кенгашининг қарорларига мувофиқ амалга оширади.

3.2. Жамият ижроия органининг ваколатига Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, акциядорлар умумий йиғилишининг ёки жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар бундан мустасно.

3.3. Бошқарув аъзоларининг сон таркиби бир ишчи томонидан кўпи билан амалга оширилиши мумкин бўлган Бошқарув вазифалари ҳажми, Бошқарув аппаратининг қисқартирилиши, ишлаб чиқариш бошқарувидаги такрорланувчи бўғинларни тугатиш ва шу муносабат билан Бошқарув харажатларининг қисқартирилиш тамойилларидан келиб чиққан ҳолда аниқланади ва Бошқарув Раисини ҳисобга олганда 7 (етти) кишидан ташкил этади.

3.4. Жамият Бошқарувининг ваколатларига қўйидагилар киради:

3.4.1. Жамиятнинг кундалик фаолиятида бошқариш самарадорлигини ташкил этиш;

3.4.2. лавозим йўриқномалари, филиаллар, ваколатхоналар ҳақидаги низомлар, суғурта қоидалари, суғурта шартномалари (полислари)ни ва Жамиятнинг бошқа меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш;

3.4.3. Жамиятнинг иш режалари, акциядорлар умумий йиғилиши ва кузатув кенгаши қарорлари бажарилишини таъминлаш;

3.4.4. филиаллар томонидан тузиладиган суғурта шартномалари бўйича олиниши мумкин бўлган суғурта жавобгарлигининг чегаравий миқдорларини белгилаш;

3.4.5. филиаллар томонидан мустақил равишда ҳал этилиб, тўланиши мумкин бўлган суғурта товон (пул)лари чегаравий миқдорларини белгилаш;

3.4.6. қонун ҳужжатларига мувофиқ инвестиция фаолиятини юритиш;

3.4.7. ўз ваколати доирасида мол-мулкни сотиб олиш ва мол-мулкни бошқа шахсга ўтказиш билан боғлиқ битимлар (умумий қиймати қарор қабул

қилинган санада Жамият соф активларининг 15 фоизигача ташкил этадиган битимлар ёки ўзаро боғлиқ бир қанча битимлар) тузиш;

3.4.8. Жамият фаолиятига доир акциядорлар умумий йиғилиши, кузатув кенгаши ва бошқарув раиси ваколатига киритилмаган масалалар бўйича қарор қабул қилиш ва ички меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш;

3.4.9. Жамиятнинг Бошқаруви қонун ҳужжатлари ва Жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

3.5. Жамият Бошқарувининг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

3.5.1. Жамиятни ривожлантириш дастурлари ва бизнес-режаларини ишлаб чиқиш, уларнинг бажарилишини ташкил этиш ва назорат қилиш;

3.5.2. Жамиятнинг ваколатли бошқарув органи томонидан тасдиқланган бизнес-режада кўрсатилган миқдорларда фойда олишни таъминлаш;

3.5.3. Жамият таркибий бўлинмаларининг ўзаро самарали фаолият юритишини таъминлаш;

3.5.4. Жамият ходимларининг ижтимоий кафолатларига риоя қилинишини ва улар меҳнатининг муҳофаза қилинишини таъминлаш;

3.5.5. ўз ваколатига тегишли ишларнинг ҳолати тўғрисидаги ахборотни акциядорларнинг умумий йиғилишига ва Жамият Кузатув кенгашига белгиланган муддатда тақдим этиш;

3.5.6. дивидендлар ҳисобланиши ва тўланиши бўйича акциядорларнинг барча ҳуқуқларига риоя қилиш;

3.5.7. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига ҳамда Жамият фаолиятига оид ички ҳужжатларга риоя қилиш;

3.5.8. Жамиятнинг Бошқаруви қонун ҳужжатлари, ушбу устав ва Жамиятнинг ички ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

3.6. Жамият Бошқарувининг ҳуқуқлари қуйидагилардан иборат:

3.6.1. қонунчиликка, мазкур устав ва шартномага асосан ўзига тегишли ваколатларга мувофиқ, мустақил равишда Жамиятнинг жорий фаолиятида раҳбарлик қилишда туғилган барча саволларни ҳал этиш;

3.6.2. Жамият Бошқаруви қонун ҳужжатлари, ушбу устав ва Жамиятнинг ички ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

3.7. Бошқарув аъзолари, улар билан тузилган Ижроия органида Бошқарув аъзоси вазифасини бажариш тўғрисидаги шартнома, акциядорлар умумий йиғилиши, жамият Кузатув кенгаши ва Бошқарув раисининг қарорлари билан белгиланган ваколатлар доирасида фаолият юритадилар. Жамият Бошқаруви аъзоларига Бошқарув аъзоси вазифасини бажарганлиги учун тўланадиган ҳақ миқдори Жамият фаолиятининг самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади ва шартномада белгиланади. Тузиладиган шартноманинг шартлари Жамият Кузатув Кенгаши томонидан тасдиқланади.

4. ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИ РАИСИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ, ХУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Жамият Бошқаруви раисининг ваколатларига кўйидагилар киради:

4.1.1. ўзининг ваколатлари доирасида Жамиятнинг ишига раҳбарлик қилиш;

4.1.2. Жамият Кузатув кенгашининг розилигига кўра унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этиш;

4.1.3. ўз ваколоти доирасида мол-мулкни сотиб олиш ва мол-мулкни бошқа шахсга ўтказиш билан боғлиқ битимлар (умумий қиймати қарор қабул қилинган санада Жамият соф активларининг 15 фоизигача ташкил этадиган битимлар ёки ўзаро боғлиқ бир қанча битимлар) тузиш масалаларини зарур ҳолларда кўриб чиқиш;

4.1.4. Жамият номидан ҳужжатларни имзолаш;

4.1.5. Жамият филиаллари, ваколатхоналари, шўъба ва тобе хўжалик жамиятларининг ишини мувофиқлаштириш;

4.1.6. шўъба ва тобе хўжалик жамиятларининг штат жадвалини тасдиқлаш;

4.1.7. филиаллар ва ваколатхоналар раҳбарларини лавозимига тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш;

4.1.8. филиаллар ва ваколатхоналар раҳбарлари ўринбосарларини ва бош ҳисобчиларини лавозимига тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш;

4.1.9. Жамият шўъба хўжалик жамиятлари, ваколатхоналари ва филиаллари, Жамиятнинг барча ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар чиқариш, кўрсатмалар ва топшириқлар бериш;

4.1.10. Жамият номидан ишончномасиз иш юритиш;

4.1.11. барча мулк шаклларидаги корхона, муассаса ва ташкилотларда унинг манфаатларини ҳимоя қилиш;

4.1.12. Жамият бошқаруви аппарати ходимлари, филиаллар ва ваколатхоналар штат жадвалини кузатув кенгаши томонидан белгиланган Жамият ходимларининг чекланган миқдори ва тузилмаси доирасида тасдиқлаш;

4.1.13. банкларда ҳисоб рақамлар шу жумладан валюта ҳисоб рақамларини очиш ва Жамиятнинг банк ва бошқа молия ҳужжатларида биринчи имзо ваколатига эга бўлиш;

4.1.14. ўзининг ваколатлари доирасида миждозлар, корхона, муассаса ва ташкилотлар билан шартномаларни имзолаш ва турли битимлар тузиш;

4.1.15. Жамият номидан амалдаги қонунчиликка асосан ишончномаларни бериш;

4.1.16. суғурта товони (пули) тўланишига рухсат бериш ва рухсат бериш тартибини белгилаш;

4.1.17. компаниянинг инвестиция фаолиятини ривожлантириш;

4.1.18. Жамият Бошқаруви раиси, қонунчилик, ушбу устав ва Жамиятнинг ички ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4.2. Жамият Бошқарув раисининг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

4.2.1. қонунчиликка мувофиқ Жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини тўғри ташкил этиш,

4.2.2. йиллик ҳисоботлар ва бошқа молиявий ҳисоботлар тегишли органларга ўз вақтида тақдим этилишини, шунингдек акциядорларга, кредиторларга ва бошқа олувчиларга юбориладиган Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлаш;

4.2.3. Жамиятнинг молия-ҳўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни Жамиятнинг Кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси ёки Жамият аудитори талабига кўра тақдим этиш;

4.2.4. Жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи ахборотларни сир сақлаш;

4.2.5. хизмат ёки тижорат сирини ташкил этувчи ахборотнинг Жамият ходимлари томонидан сир сақланишини таъминлаш;

4.2.6. Жамиятни малакали кадрлар билан таъминлаш, Жамият ходимларининг билими, малакаси, тажрибаси ва қобилиятларидан самарали фойдаланиш чораларини кўриш;

4.2.7. давлат статистика ҳисоботи ва бухгалтерия ҳисоботини тегишли органларга тўлиқ ва ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаш;

4.2.8. Жамият Бошқаруви раиси қонун ҳужжатлари, ушбу устав ва Жамиятнинг ички ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4.3. Жамият Бошқарув раисининг ҳуқуқлари қуйидагилардан иборат:

4.3.1. Жамият ходимларини ишга қабул қилиш, улар билан меҳнат шартномаларини тузаиш ва бекор қилиш;

4.3.2. уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомига риоя этилишини таъминлаш;

4.3.3. Жамиятнинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқ ва фармойишлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

4.3.4. Жамият Бошқаруви раиси қонун ҳужжатлари, ушбу устав ва Жамиятнинг ички ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

5. ЖАМИЯТ ИЖРОИЯ ОРГАНИНИНГ ИШ ТАРТИБИ

5.1. Жамият Бошқаруви Жамият бизнес-режаси бажариши қандай бораётганлиги юзасидаги мажлислар зарур ҳолларда ўтказилади. Жамият Бошқаруви акциядорлар умумий йиғилиши ёки Кузатув кенгашининг

мажлисларига таклиф этадиган масалалар олдин мажбурий тартибда Бошқарув мажлисида муҳокама қилиниши лозим. Акциядорлар умумий йиғилишида ёки Кузатув кенгаши мажлисида Бошқарувнинг фикрини Бошқарув раиси ёки Бошқарув раиси томонидан тайинланган вакил томонидан тақдим этилади ва ҳимоя қилинади.

5.2. Бошқарув мажлисини Раис ёки кўриб чиқиладиган масалаларни инобатга олган ҳолда унинг ўринбосарларидан бири олиб боради.

5.3. Жамият Бошқарувининг мажлисини ўтказишга кворум мавжуд бўлиши учун Жамият Бошқаруви аъзоларининг камида 2/3 (учдан икки қисми) ҳозир бўлиши керак. Жамият Бошқарувининг қарори мажлисда иштирок этаётган Бошқарув аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

5.4. Бошқарув мажлисида масалалар ҳал этиладиганда Бошқарувнинг ҳар бир аъзоси битта овозга эга. Овозлар тенг бўлиб қолган тақдирда Жамият Бошқаруви йиғилишига раислик қилувчининг овози ҳал этувчи ҳисобланади.

5.5. Бошқарувнинг бир аъзоси ўз овозини бошқарувнинг бошқа аъзосига беришига йўл қўйилмайди.

5.6. Бошқарув мажлисига масалаларни бошқарув Раиси, бошқарув аъзолари кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси киритишга ҳақли.

5.7. Бошқарув мажлиси котиби вазифалари ва функцияларини Компания раҳбариятининг тегишли буйруғи билан юклатилган бошқарув ходимларидан бири амалга оширади.

5.8. Бошқарув котибининг мажбуриятларига қуйидагилар киради:

5.8.1. бошқарув аъзоларини бошқарув мажлиси ўтказилиши вақти, жойи ва кун тартиби тўғрисида ўз вақтида хабардор қилиш;

5.8.2. бошқарув мажлиси материалларини ўз вақтида расмийлаштириш ва бошқарув аъзоларига юбориш (бериш);

5.8.3. бошқарув мажлиси баённомаларини юритиш;

5.8.4. бошқарув мажлиси ўтказилишини техник ва ташкилий жиҳатдан таъминлаш;

5.8.5. бошқарув фаолияти билан боғлиқ бўлган барча ҳужжатлар (мажлис баённомалари, мажлис материаллари ва х.к.) ни сақланиши ва ҳисоби юритилишини таъминлаш.

5.9. Бошқарув мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган бошқарув аъзолари ҳамда йиғилишда иштирок этганлар томонидан имзоланади.

5.10. Бошқарув котиби Жамият Бошқаруви мажлисларида баённома юритилишини ташкил этади. Бошқарув мажлислари баённомаларидан кўчирма кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчининг) аъзолари талабига кўра, қуйидагиларга тақдим этилади:

5.10.1. мажбурий тартибда Кузатув кенгаши раисига ва тафтиш комиссиясига;

5.10.2. Бошқарув Раиси розилиги билан бошқа мансабдор шахсларга ва аудитор сўровига кўра;

5.10.3. мазкур қонунчиликка мувофиқ, бошқа шахс ва органларга (шу жумладан давлат органлари).

6. ЖАМИЯТ ИЖРОИЯ ОРГАНИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Тузилаётган битимда Бошқарув аъзоларидан бири шу битимда молиявий манфаатдор бўлган ҳолда, манфаатдор эканлиги ҳақида Бошқарув Раисига қарор чиқаришдан олдин хабар беришга мажбур ва мазкур битим юзасидан қарор қабул қилаётганда муҳокамада иштирок этишга ҳақли эмас ва овоз бериш ҳуқуқига эга эмас.

6.2. Бошқарув аъзолари жисмоний ва юридик шахслар билан меҳнат муносабатлари юритиш билан бирга уларнинг манфаатлари ва мақсадини кўзлаб, ўз мансабидан фойдаланиши мумкин эмас.

6.3. Бошқарув аъзолари Жамият мол –мулкани тасарруф этиш орқали шахсий фойда олишни кўзда тутишга йўл қўймасликлари лозим.

6.4. Бошқарув аъзолари иш жараёнида Жамият маҳсулот сотувини ёки хизмат кўрсатишини мушкуллаштирувчи корхоналарни таъсис қилиш ёки таъсис этилиши чоғида қатнашиши тақиқланади. Бошқарув аъзоси Жамиятда лавозимга тайинланган вақтдан бошлаб бундай корхоналарда ўз иштирокини тўхтатишга мажбур ва Кузатув кенгашига хабар бериши лозим.

6.5. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва Жамият уставига мувофиқ Бошқарув аъзолари ўз вазифаларининг бажарилмаганлиги ёки номувофиқ тарзда бажарилганлиги натижасида юзага келган зарар учун, зарарнинг тўлиқ равишда қопланишига акциядорлик жамияти олдида жавобгардирлар.

6.6. Жамиятга зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган Жамият Бошқарув аъзолари жавобгар бўлмайди, шу жумладан, акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашининг қарорига асосланган мажбуриятларни бажарилиши натижасида Жамиятга зарар етказилишига олиб келган ва ушбу қарорга қарши овоз берган жамият Бошқарув аъзолари жавобгар бўлмайди.

6.7. Жамият ёки у жойлаштирган акцияларнинг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) Жамиятга етказилган зарарларнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъво билан Жамиятнинг Бошқарув аъзолари ёки аниқ бир Бошқарув аъзоси устидан судга мурожаат қилишга ҳақли.

6.8. Суд жамиятнинг Бошқарув раисини ёки бошқаруви аъзосини жамиятга мулкий зарар етказганликда айбдор деб топган тақдирда, ушбу аъзонинг, Бошқарув раисининг ёки бошқарув аъзосининг ваколатлари суднинг қарорига кўра, уларнинг хўжалик жамиятларида раҳбарлик лавозимини эгаллаши тақиқланган ҳолда, бир йилдан кам бўлмаган муддатга тугатилиши мумкин.

6.9. Жамиятнинг Бошқарув раиси ёки бошқаруви аъзоси, шунингдек ишончли бошқарувчи жамиятга чалғитувчи ахборот ёки била туриб ёлғон ахборот тақдим этганлиги ёхуд ўзлари ёки ўз аффилиланган шахслари

томонидан фойда (даромад) олиш мақсадида йирик битим тузишни ва (ёки) йирик битим тузиш ва (ёки) аффилиланган шахслар билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилишни таклиф этганлиги натижасида етказилган зарар учун жавобгарликка тортилиши мумкин.